

ИССИҚ СУВ ХОЛИДАГИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

2022 йил "01" январь 02 -сонли

Нуристон шаҳарчаси

"Талимаржон ИЭС" АЖ (бундан кейин "Таъминотчи" деб юритилади) номидан, низом асосида фаолият кўрсатувчи Бош директор Юсупов Олим Марқаевич бир томондан, "Шўртан Газ Кимё Мажмуаси" (бундан кейин "Истеъмолчи" деб юритилади) номидан, низом асосида фаолият кўрсатувчи директор Ш.Ч.Асламов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича таъминотчи иссиқ сув холидаги иссиқлик энергияси етказиб беришни, истеъмолчи эса истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Томонлар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 августда 245-сонли билан тасдиқланган "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари" асосида юритадилар.

1.3. Шартноманинг умумий қиймати 1 737 713 250 (бир миллиард етти юз ўттиз етти миллион етти юз ўн уч минг икки юз эллик) сўм

Шу жумладан йук бюджет маблағидан

йук бюджетдан ташқари маблағдан

II. УЗАТИЛАДИГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ

2.1. "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га 2022 йил "01" январь кунидан 2022 йил "31" декабрь кунигача бўлган даврда 15,5 Гкал/соат энг катта иссиқлик юкламаси билан иссиқ сув холидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришга мажбур, бунда:

а) Технологик эҳтиёжлар учун 00 Гкал/соат

б) Иссиқ сув таъминоти учун 0.23 Гкал/соат

в) Хоналарни иситиш 3.2 Гкал/соат, атроф ҳаво ҳароратида 8 град. °С

г) Шамоллатишга 3.2 Гкал/соат, ташки муҳит ҳарорати 8 град. °С бўлганда;

"Таъминотчи" томонидан истеъмолчига иситиш ва шамоллатиш учун етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқдори атроф ҳавога боғлиқ ҳолда белгиланади, "Иссиқлик таъминоти ва ишлаб чиқариш" мақсадлари учун эса суткалик истеъмол графиги асосида белгиланиб у "Истеъмолчи" томонидан берилади, "Таъминотчи" билан келишилади ва чораклар бўйича қуйидагича тақсимланади

| Давр | Иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал | | | Етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқдори Гкал. | Бир суткада етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқдори сутки Гкал. |
|------------|-------------------------------------|----------------------|---------------------|--|--|
| | Технологик эҳтиёж | Иситиш ва шамоллатиш | Иссиқ сув таъминоти | | |
| I- чорак | - | 5758 | 495 | 6102 | 208 |
| Январь | - | 2303 | 165 | 2468 | 82 |
| Февраль | - | 2303 | 165 | 2468 | 82 |
| Март | - | 1152 | 165 | 1317 | 44 |
| II- чорак | - | | 495 | 495 | 16,5 |
| Апрель | - | | 165 | 165 | 5,5 |
| Май | - | | 165 | 165 | 5,5 |
| Июнь | - | | 165 | 165 | 5,5 |
| III- чорак | - | | 495 | 495 | 16,5 |
| Июль | - | | 165 | 165 | 5,5 |
| Август | - | | 165 | 165 | 5,5 |
| Сентябрь | - | | 165 | 165 | 5,5 |
| IV- чорак | - | 3455 | 495 | 3950 | 132 |
| Октябрь | - | | 165 | 165 | 5,5 |
| Ноябрь | - | 1152 | 165 | 1317 | 44 |
| Декабрь | - | 2303 | 165 | 2468 | 82 |
| Жами | - | 9213 | 1980 | 11193 | 373 |

ЮРИДИЧЕС.ОТД.
ООО "ШГХК"

2.3. “Таъминотчи” иситиш мавсумида узатиладиган тармоқ сувининг суткалик ўртача хароратини харорат графигига асосан 90 град.°C ушлаб туришни таъминлайди, харорат бўйича четга чиқиш (\pm) 3 %, узатувчи қувурдаги босим (\pm) 5%, орқага қайтадиган қувурда 20 кПа дан ортиқ (\pm) четга чиқишга йул қўймаслигини таъминлайди.

Ёз даврида эса узатиладиган тармоқ сувининг суткалик ўртача хароратини 65 град.°C бўлиб, узатувчи қувурдаги босим (\pm) 5%, орқага қайтадиган қувурда 20 кПа дан ортиқ (\pm) четга чиқишга йул қўймаслигини таъминлайди.

2.4. “Истеъмолчи” куйидагиларга риоя қилиши керак:

а) тармоқ сувининг сарфи хисобланган миқдордан ошмаслик керак 93,42 м³/соат

б) иссиқлик тармоғидан келаётган сувнинг максимал миқдори 93,42 м³/соат

в) тармоқ сувининг йўқотилиш миқдори ошмаслиги керак 2,8 м³/соат

г) қайтарилаётган тармоқ сувининг ўртача харорати харорат графигидаги миқдорга нисбатан 3°C дан ошмаслиги керак.

Тармоқ сувининг максимал миқдори “Таъминотчи” томонидан ростлагич ёки сурилувчи клапан ёрдамида ўрнатилади. Элеватордаги сиқувчи қурилмани алмаштириш “Таъминотчи” билан келишилган ҳолда бажарилади.

III. ҲИСОБ –КИТОБ ТАРТИБИ ВА ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ НАРХИ

3.1 Иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб даври бир ой қилиб белгинади.

3.2 “Истеъмолчи” “Таъминотчига” кейинги ой учун зарурат иссиқлик энергияси учун 100 % олдиндан тўловни амалга оширади, тўлов қилинмаса “Истеъмолчи” иситиш тизимидан ўчирилади.

3.3 “Истеъмолчи”га етказиб бериладиган иссиқлик миқдори ҳисоблагич приборлари кўрсаткичи бўлиниш чегарасига ўрнатилган СВТУ-10 MDN-100 №17433 кўрсаткичи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. “Таъминотчи” объектларига ўрнатиладиган иссиқлик энергияни ҳисоблагич приборлари “Истеъмолчи” маблағи ҳисобидан олинади, ўрнатилади ва Давлат қиёслашидан ўтказилади, кейинчалик шартнома асосида “Таъминотчи” га хизмат кўрсатиш учун ўтказилади.

“Истеъмолчи”да ўрнатилган приборлар “Истеъмолчи”нинг ўзи томонидан эксплуатация қилинади ва таъмирланади.

3.5. “Таъминотчи” хизмат кўрсатадиган ҳисоблагич приборларининг таъмирлаш даври учун иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб охириги 15 кун давомида прибор тўхтағунига қадар бўлган ўртача суткалик сарфи бўйича олинади. Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини бошқа жойга ўрнатиш ва кўчириш, “Таъминотчи”нинг тегишли ходими ва “Истеъмолчи” иштирокида, ушбу прибор балансида турган баланс эгасининг ҳисобидан амалга оширилади.

“Истеъмолчи” балансида бўлган ҳисоблагич приборининг 15 кун муддатга таъмирлашга тўхтатилганда ҳисоб-китоб охириги прибор тўхтағунга қадар бўлган 15 кун учун ўртача суткалик сарфи олинади, 15 суткадан кўпга тўхтағанда шартнома бўйича 1 соатлик юклама ва иссиқлик энергия етказиб бериш вақти миқдорига қараб белгиланади.

“Истеъмолчи” ҳисоблагич приборини таъмирлаши тугагунча иссиқлик энергияси олишни тўхтатишга ҳақли, бу ҳолда таъминотчи задвижкани пломбалайди ва бу ҳақда биргаликда далолатнома тузилади.

3.6. Ҳисобга олиш приборлари бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлиниш чегарасидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатиладиган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби ёки иссиқлик энергияси йўқотишларининг синовини “Таъминотчи” “Истеъмолчи” билан биргаликда “Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёкилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини ҳамда технологик йўқотишлар меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ амалга оширади.

3.7. Тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йўқотилиши “Истеъмолчи” томонидан

Куйидаги ҳолларда **шартномавий** келишилган нархларда тўланади:

Иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва **хароратли** синовлари **ўтказилиши** билан боғлиқ йўқотишлар **ўрнини тўлдириш**;

“Истеъмолчи” тармоғини унинг буюртманомаси бўйича тўлдириш, аварияли вазиятлар ҳам шу жумлага қиради;

“Истеъмолчи”дан қайтариладиган паст сифатли (таркибида темир, механик қоришмалар ва бошқалар мавжуд бўлган) орқага қайтадиган тармоқ сувини сиздириш.

3.8. “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи” иссиқлик тармоқлари баланс мансублиги бўлиниш чегарасигача иссиқлик энергияси етказиб беришдаги сарф ва йўқотишлар тарифларда ҳисобга олинади ва тарифдан ортиқча тўловга йўл қўйилмайди.

3.9. Баланс мансублиги бўлиниш чегарасидан кейинги ҳамма сарф ва йўқотишлар “Истеъмолчи” га таълуқлидир. Агар иссиқ сув “Истеъмолчи” иссиқлик тармоғи орқали узатилаётган бўлса иссиқлик энергияси микдори электро станция коллекторидаги ҳисоблагич прибори кўрсатиши бўйича аниқланади.

3.10. “Истеъмолчи” ҳар ойда ҳисоблагич прибори кўрсаткичини олади ва ҳар ойнинг 25 санасигача “Таъминотчи”га истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича ҳисобот беради.

“Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича кўрсатилган муддатда ҳисобот берилмаса ҳисоб-китоб “Таъминотчи” томонидан келишилган иссиқлик таъминоти бўйича қилинади. Амалдаги истеъмол қилинган иссиқлик энергияси соз ҳолатдаги ҳисоблагич приборининг кўрсаткичини биргаликда олиб қайта ҳисобланади ва тегишли далолатнома тузилади. Бу қайта ҳисоблаш кейинги ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб қилинаётганда ҳисобга олинади.

“Истеъмолчи” томонидан иссиқлик энергияси ҳақида ҳисобот тақдим қилингандан сўнг “Таъминотчи” томонидан “Истеъмолчи” билан бирга ҳисоблагич кўрсаткичлари ва амалдаги иссиқлик энергияси истеъмоли бўйича ҳисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у эса етказиб бериладиган ва истеъмол қилинган энергияни ҳисобга олишнинг бирламчи ҳужжати ҳисобланади.

Ҳисоблагич приборларининг кўрсаткичлари тақдим қилинганда ҳисобот у бўйича бир томонлама тартибда тузилади.

“Таъминотчи” истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ўрнатилган формада ҳисоб-китобини қилади осуществляет расчет за потребленную тепловую энергию по установленной форме (5-илова) шунингдек, ҳисоб-фактура ёзади ва “Истеъмолчи”га беради.

Шу билан бир қаторда истеъмолчининг ҳисоб рақамидан хизмат кўрсатувчи банк орқали “Таъминотчи” ҳисоб фактураси орқали ҳисобот оyi учун амалга оширилган тўловларни ҳисобдан чиқариш ҳисоб талабномаси бўйича қилинади.

3.11. “Истеъмолчи” томондан ҳисоблагич прибори кўрсаткичида хатолик аниқланганда истеъмолчи “Таъминотчи”га 1 ҳафта муддатда ариза бериши керак.

Ҳисоблагич приборини текшириш ҳақида ариза бериш “Истеъмолчи”ни истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

3.12. Етказиб берган энергия учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи” га 1 Гкал учун 155250 сўм тарифи бўйича тўлайди.

Етказиб берилмаган иссиқлик энергияси микдори ҳисоблаш прибори кўрсатиши бўйича аниқланади. Чегараланиш вақти “Таъминотчи”ни диспетчерлик хизмати оператив китобидаги ёзувидан аниқланади, икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

“Таъминотчи”нинг айби билан “Истеъмолчи”нинг технологик эҳтиёжларига иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткадан олдинги 3 суткадаги иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткада амалдаги истеъмол ўртасидаги айирма сифатида аниқланади.

3.13. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғрилиги ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилганлиги тасдиқланган тақдирда “Таъминоти”чи охириги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегишли равишда, “Истеъмолчи”нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилиб чиқади.

Йўл қўйилган хатолар бўйича бажарилган қайта ҳисоблаш охириги ҳисобот даврида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини расмийлаштирилаётганда ҳисобга олинади.

3.14. $40^{\circ}\text{C} - 45^{\circ}\text{C}$ ҳароратли иссиқлик энергияси “Истеъмолчи”га иссиқ сув кўринишида етказиб берилганда ҳисоб-китоб иссиқ сув тарифи бўйича 50 фоизли чегирма билан амалга оширилади.

3.15. Тарифлар ўзгарганда ҳисоб китоб улар кучга кирган кундан бошлаб янги тасдиқланган тариф бўйича амалга оширилади. “Истеъмолчи” томондан қайтувчи тармоқ сувининг ўртача суткалик ҳароратини графикга нисбатан 3°C га оширилганда (айланувчи сувнинг ҳажмини ошириш

йўли билан), “Таъминотчи”, ўртача суткалик хароратига риоя қилган ҳолда, харорат графигида кўзда тутилган харорат фарқи бўйича қайта ҳисоблашни амалга оширишга ҳақлидир.

3.16. “Таъминотчи” айби билан пайдо бўлган йўқотишлар учун “Истеъмолчи” ҳақ тўламайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Истеъмолчи” ҳуқуқлари:

а) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига асосан “Таъминот”чидан иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиб беришни талаб қилиш;

б) иссиқлик энергияси етказиб бериш режимини назорат қилиш, иссиқлик энергияси параметрларининг шартномавий қийматлардан четга чиқишига йўл қўймаслик:

иссиқ сув етказиб бериш бўйича:

иссиқ берувчи қувурда сув харорати бўйича -3 фоиздан ортиқ (+);

иссиқлик берувчи қувурда сувнинг босими бўйича -5 фоиздан ортиқ (+);

орқага қайтадиган қувурда сувнинг босими бўйича -20кПа дан ортиқ (+) четга чиқишга йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида олинади;

в) “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларига биноан” ўз иссиқлик тармоғига субистеъмолчиларни улаш;

г) “Таъминот”чи иссиқлик энергияси шартномавий параметрлари бўйича тўхтатиш. Бундай ҳолатда “Таъминот”чи “Истеъмолчи” олдидан қонунчиликда ўрнатилган тартиб бўйича жавобгар ҳисобланади.

4.2. “Истеъмолчи” нинг мажбурияти:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш”, “Иссиқлик истеъмол қилувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари”, “Иссиқлик истеъмол қилувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари” ларга риоя қилиш керак;

б) фойдаланилган иссиқлик энергияси учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириш;

в) “Таъминотчи” билан келишмай туриб иссиқлик юкласини келишилган соатбой миқдорини ошириб юбормаслик, шунингдек имзоланган шартномага асосан иссиқлик таъминоти режимига риоя қилиш ва олинаётган тармоқ сувини миқдорини оширмаслик.

г) “Таъминотчи”нинг иссиқлик таъминоти режими бўйича кўрсатмаларини оператив бажариш;

д) шартномада кўрсатилган миқдорда тармоқ сувини қайтариш;

е) иссиқликдан фойдаланиш қурилмалари ва иссиқлик тармоғини, иссиқликни ҳисоблаш приборларини, қувурлар иссиқлик қопламасини техник соз ҳолатда сақлаш.

ж) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш вақтинчалик тўхтатилганда таъмирлаш муддатини “Таъминотчи” билан келишиш;

з) “Таъминотчи” вакили билан бирга ҳисоблагич приборлари, иссиқ сувни тўкиш кранлари, сиқувчи қурилмалар ва арматураларни пломбалаб уни бутлигини таъминлаш. Пломба “Таъминотчи” руҳсати билан узилади;

и) “Таъминотчи” вакилига сутканинг ҳар қандай вақтида тўсиқсиз ҳисоблаш приборларини текшириш имконини бериш;

к) иссиқлик энергиясидан **ноокилона ва исрофгарчилик билан** фойдаланишга йўл қўймаслик;

л) иссиқлик тармоқлари устидан бино қурилиши материаллар тахлаши, дарахтлар экилишига йўл қўймаслик;

м) “Таъминотчи” билан келишмай туриб иссиқлик тармоғини, муҳандислик иншоотларини ва қурилишларини реконструкция қилишга йўл қўймаслик;

н) қўшимча иситиш приборлари, задвижкалар ва бошқариш арматураларини ўрнатиш ва ечишга йўл қўймаслик;

о) иситиш тизими иссиқлик тармоғидан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик (иситиш тизими ва приборлардан сувни тўкиш);

п) “Истеъмолчи” “Таъминотчи”нинг балансида турган иссиқлик тармоқларида, олдидан келишилган ҳолда амалга ошириладиган таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун “Таъминотчи”нинг вакилларини ўз ҳудудига киритиши;

р) ижро чизмалари ва паспортлари, шунингдек ҳамма иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилиш бўйича йўриқномаларга эга бўлиш;

с) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик таромқларига тайёрланган ходимлар томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

т) ишлаб чиқарилган маҳсулотни (бажарилган ишларни) назорат қилиш, иссиқлик энергияси сарфларининг меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя қилиш;

х) “Таъминотчи” томонидан берилган техник шартларни бажариш истеъмолчилар ва иссиқлик таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш зиммасига юкланган лойиҳалаш ташкилотлари учун.

4.3 “Истеъмолчи” ўз ихтиёри билан шартномани имзолайди, “Таъминотчи”нинг техник имкониятларини англайди ва тушунади, ҳамда ўзининг шахсий хўжалик фаолияти (ишлаб чиқариш) фаолияти ва Истеъмолчининг мол-мулки учун ўзига таваккал хавфини олади.

4.4 “Таъминотчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1 “Таъминотчи” қуйидаги ҳолатларда иссиқлик энергиясини “Истеъмолчи”га узатишни, унга маълум қилган ҳолда, тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

а) иссиқлик энергияси учун тўлов ҳужжатларида ўрнатилган муддатларда тўловни амалга оширилмаганлиги ёки иссиқлик энергичсидан фойдаланиш шартномасида ўрнатилган муддатларда олдиндан тўловни амалга оширилмаганлиги учун;

б) субистеъмолчиларни, янги иссиқлик қурилмалари ва иссиқлик таромқларини ўзбошимчалик билан уланишида;

в) иссиқлик қурилмалари ва иссиқлик таромқларини Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги қошидаги Электр энергетикада назорат бўйича инспекциянинг (Ўзэнергоинспекция) руҳсатисиз ишга туширилишида;

г) иссиқлик қурилмалари ва иссиқлик таромқлари ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда;

д) иссиқлик юкламалари ўрнатилган шартномавий миқдоридан ёки таромқдаги сув сарфининг миқдори “Таъминотчи”нинг руҳсатисиз оширилганда;

е) бир соатда **олинадиган** таромқ сувининг миқдори иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида қайд этилган миқдордан оширилганда;

ж) таромқ суви **ифлосланганда**;

з) “Таъминотчи”нинг вакиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўриқдан ўтказишга қўйилмаганда;

и) **Циркуляцион сув ҳажмининг ошиши сабабли орқага қайтадиган таромқ сувининг ўртacha суткалик ҳарорати истеъмолчи томонидан жадвалдагига қараганда 3°С дан ортиқ миқдорда оширилган тақдирда, “Таъминотчи” таромқдаги сувнинг ўртacha суткалик ҳарорати (+) 3°С дан ортиқ четга чиқмаслигига риоя қилиш шarti билан “Истеъмолчи”га иссиқлик энергияси етказиб беришни камайтиришга ёки тўлиқ тўхтатишга ёхуд берилган иссиқлик энергияси учун “Таъминотчи” томонидан “Истеъмолчи” учун ҳисоблаб чиқилган ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига илова қилинган ҳарорат жадвалида кўзда тутилган ҳарорат пасайиши бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.**

4.4.2 Ишончлилиқ талабларини ҳисобга олган ҳолда “Истеъмолчилар” захира иссиқлик таъминоти манбаларини техник шартлар асосида амалга оширади.

“Таъминотчи” иситиш даври тугашидан 10 кун кейин ва иситиш даври бошланишидан 10 кун олдин иссиқ сув сув узатилишини тўлиқ ўчиргна ҳолда режавий профилактика ишларини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Иссиқлик энергиясини узатишда танаффуснинг аниқ санасини (куни ва соатларини) келишиш учун “Истеъмолчи”га иссиқлик энергияси узатилишини тўхтатилиши ҳақида 10 кун олдин хабар берилади. Агар “Истеъмолчи” томонидан 5 кун давомида иссиқлик энергияси узатилишининг тўхтатилишида танаффус вақти келишилмаса, “Таъминотчи” ушбу вақтни мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлади.

Иссиқлик энергиясини узатишдаги танаффус иш вақтидан ташқари вақтда, “Истеъмолчи”га камида 24 соат олдин берган ҳолда, амалга оширилиши лозим.

4.4.3 Аварияларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш учун “Таъминотчи”, иссиқлик энергияси узатилишини тўхтатиш сабаблари ҳақида “Истеъмолчи”га дарҳол маълум қилган ҳолда, иссиқлик энергияси узатилишини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

4.5. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:

ЮРИДИЧЕС.ОТД.
ООО “ШГХК”

а) иссиқлик энергиясини “Истеъмолчи”га шартномага мувофиқ узлуксиз узатилишини таъминлаш;

б) “Таъминотчи” объектида ўрнатилган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларининг кўрсатмалари тўғрилиги юзасидан “Истеъмолчи”да шубҳа пайдо бўлганда, “Таъминотчи” сутканинг исталган вақтида “Истеъмолчи” вакиллари томонидан ўрнатилган тартибда иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларининг кўриқдан ўтказилишини таъминлаши лозим;

в) иссиқлик тармоқларининг мансублик чегарасида иссиқ сув параметрларини шартномага мувофиқлигини таъминлаши, яъни уларни қуйидагилардан кўпроқ оғишларига йўл қўймаслиги лозим:

иссиқлик узатиш қувуридаги сувнинг ҳарорати бўйича – 3% (±)дан кўпроқ;

сувнинг босими бўйича:

сувни узатиш қувурида – 5% (±) дан кўпроқ;

сув қайтиш қувурида – 20 кПА дан кўпроқ

Бунда параметрлар ўртача суткалик қийматлар сифатида ҳисобга олинади;

г) “Таъминотчи”нинг айби билан етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматини қоплаш. Етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг ҳажми “Таъминотчи” томонидан “Истеъмолчи”нинг вакили иштирокида аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади.

д) “Истеъмолчи”нинг иссиқлик энергиясини тўлиқ етказиб берилмаганлиги, иссиқлик элтувчи параметрларининг шартномавий миқдорга нисбатан камайтирилганлиги ҳақидаги ёзма аризаларини **10 кунлик муддатда** кўриб чиқиш;

е) иссиқлик тармоқларининг гидравлик ҳисоб-китобларига мувофиқ иссиқлик боғламалари учун торрайтирувчи қурилманинг ўлчами белгиланади.

V. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМАГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Иссиқлик таъминотида “Таъминотчи”нинг айби билан узилишлар пайдо бўлганда, “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га иссиқлик таъминотидаги танаффуслар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаб беради.

5.2. Иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатлари кечиктирилганда, иссиқлик энергияси иссиқ сув кўринишида тўла ҳажмда етказиб берилмаганда, “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган мажбуриятлар қисмидан 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

Пенянинг тўланиши шартномаси мажбуриятларни бузган томонни, иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатларининг кечиктирилиши ёки иссиқлик энергиясини тўла ҳажмда етказиб берилмаслиги оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидани озод қилмайди..

5.3. Иссиқ сув кўринишида етказиб берилган иссиқлик энергияси қиймати учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда, “Истеъмолчи” ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, аммо унинг миқдори муддати кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаслиги керак.

5.4. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши ва уни амал қилиш муддатиинг тугаши “Таъминотчи” ни ва “Истеъмолчи” ни етказилган зарарни қоплаш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

5.5. Иссиқлик тармоқларининг ҳолати бўйича иссиқлик истеъмоли ва уларга хизмат кўрсатиш объектларининг жавобгарлик чегараси иссиқлик тармоқларининг балансга мансублик чегараси ва уларни эксплуатация қилиш бўйича жавобгарлик чегараси далолатномаси (1-илова) билан белгиланади.

5.6. “Таъминотчи” иситиш тизимини ёқишда сувни циркуляция ва иссиқ сув таъминоти учун бир қувурдан бошқа қувурга ўтказиш билан боғлиқ бўлган тармоқ суви сифатининг (шаффофлиги, ранги ва хиди) вақтинчалик ўзгариши учун жавобгарлик олиб бормайди.

5.7. Иссиқлик энергияси тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки уларни эксплуатация қилиш қоидаларининг бошқа ҳил бузиш ҳолатлари, иссиқ сувни ҳисобга олиш приборларини қасддан бузиш ёки бундай приборларнинг кўрсатмаларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка, ЎзР Жиноий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 185²-моддасига асосан жиноий жавобгарликка олиб келади



VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

6.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

6.2. “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Қуйидаги ҳолларда томонлар иссиқ сув холидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилишни тўхтатиш ёки камайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

а) “Таъминотчи” ускуналарининг ишдан чиқишига сабаб бўлган табиий ходисалар: момақалдирак, бўрон, сув тошқини, зилзила, ёнғин, 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ушбу ҳудудда иситишни лойиҳалаштириш учун ҳисоблаб чиқилган ҳароратдан 3°C га ва ундан ортиқ паст бўлган ҳароратда ҳавонинг узоқ вақт совиб кетиши, бошланғич сув сифатининг ёмонлашиши ҳолатларида;

б) енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатларда;

7.2. “Таъминотчи” тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

7.3. Агар мазкур шартноманинг 6.1- бандига кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўз мажбуриятларини бажариш муддатларига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 1-январдан 2022 йилдан, 31-декабр 2022 йилгача амал қилади. Шартнома бир йилга тузилган.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, улардан биттаси “Таъминотчи” да, иккинчиси эса “Истеъмолчи” да сақланади.

IX. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, низоли масалалар амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан хал қилинади.

X. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

10.1. Ушбу шартномага қуйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади:

а) “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи” ўртасида иссиқлик тармоқларининг балансга мансублиги бўйича бўлиниш чегараларини белгилаш далолатномаси (1-илова);

б) “Истеъмолчи” нинг ваколатланган маъсул шахсини тайинлаш тўғрисидаги ишончнома (2-илова)

в) Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун қилинадиган ҳисоб китоблар – счёт фактура (3-илова);

г) Иссиқлик энергиясининг ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича ҳисоботи. (4-илова);

д) Иситиш учун узатиладиган иссиқлик энергиясининг ҳарорат жадвали. (5-илова).

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| “ТАЪМИНОТЧИ” | “ИСТЕЪМОЛЧИ” |
|---|--|
| <p style="text-align: center;">“Талимаржон ИЭС” АЖ</p> <p>Почта манзили: Кашкадарё вилояти Нишон тумани Нуристон кургони Хисоб рақами: 2021 0000 4001 7778 8001 Банк коди (МФО)) 00854 СТИР (ИНН) 201 284 979 Корхонанинг коди: 1. КТУТ (ОКПО) бўйича корхонанинг коди 5958660 2. МХОБТ (СОАТО) бўйича ўрнашган жойи коди 1710235 3. МШТ (КФС) бўйича мулк шакли коди _____ 4. ТХШТ (КОПФ) бўйича ташкилий-хукукий шакли коди _____ 5. ХХТУТ (ОКОНХ) бўйича асосий иш фаолиятининг тури коди: 11110 6. тел./факс 75-512-57-10</p> | <p style="text-align: center;">“Шуртан ГKM” МЧЖ</p> <p>Почта манзили: Кашкадарё вилояти Гузор тумани Шуртан кургони Хисоб рақами: 2021 0000 1040 3900 1001 Банк коди (МФО) 00150 СТИР (ИНН) 203 195 074 Корхонанинг коди: 1. КТУТ (ОКПО) бўйича корхонанинг коди _____ 2. МХОБТ (СОАТО) бўйича ўрнашган жойи коди _____ 3. МШТ (КФС) бўйича мулк шакли коди _____ 4. ТХШТ (КОПФ) бўйича ташкилий-хукукий шакли коди _____ 5. ХХТУТ (ОКОНХ) бўйича асосий иш фаолиятининг тури коди _____ 6. Вазирлик (муассаса) номи Министрства (учреждения) _____ 7. Тармоқларнинг номи. _____ 8. Жорий вақтдаги тариф 155250 сўм. 9. Истеъмолчининг тариф гуруҳи _____ сўм «Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилот томонидан тўлдирилиши зарур.» 10.газ./хис¹ _____ 11.шах/хис² _____ 12.шах/хис/газ³ _____ 13. Ҳазначилик бўлими номи _____ 14. тел./факс _____ Изох: Томонлар, ушбу бандда кўрсатилган (корхонанинг номи, манзили, ҳисоб рақами ва хоказо) маълумотларга ўзгартиришлар киритилганда, бу мақолада ўз вақтида оғохлантиришга мажбур бўлар.</p> |
| <p>Имзо _____</p> <p>Мухр ўрни. </p> | <p>Имзо _____</p> <p>Мухр ўрни. </p> |

Изох: газна./хис¹ - тегишли газна рақами кўрсатилади. Шахсий/хис² - бюджет маблағи олувчининг (ёки шахсий ҳисоблари) тегишли ҳисоб рақами кўрсатилади.

шахсий/хисоби/рақами³ - газнадаги бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ҳисоб рақами кўрсатилади ёки олувчининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилинадиган депозит рақами кўрсатилади.

Ҳуқуқшунос хулосаси: _____

(ИМЗО)

(Ф.И.Ш.)
ЮРИДИЧЕС.ОТД.
ООО “ШГХК”